

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 161 (10.970)

Баҳоси эркин нархда

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники



ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар



ҲАМЗА ТУМАНИ



Дилларимизга ажиб тароват бағишлаб ҳамда фахр-ифтихор туйғуларини солиб яқинлашадиган республикамиз Мустақиллигининг 16 йиллиги Ҳамза туманида ҳам ҳар бир соҳада ўзига хос ютуқлар билан кўтиб олинмоқда. Туманда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари кизгин паллага кирган. Бу ишдан кексаю ёш четда турмай, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

1968 йилда ташкил топган маъмур туман, айниқса, мустақиллик йилларида ўзига айрилди. Туманда айни пайтда 2271 та корхона фаолият кўрсатиб, улар орасида 77 та йирик, 383 та кичик ҳамда 1740 та микрофирмалар мавжуд. Хорижий ширкатлар билан ташкил этилган 222 та қўшма корхонада талаблар даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар йўлга қўйилган. Мавжуд 53 та маҳалланинг ободонлигини таъминлашда тинч-тотув яшаб келаётган турли миллат вакилларининг ўзига хос улуши бор. 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан кам таъминланган оилаларга янада ғамхўрлик кўрсатишга эътибор қаратилмоқда. Тумандаги кўп қаватли уйлар 193 та ширкатга бирлашган бўлиб, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида «Менинг уйим—менинг мулким» шioriга амал қилган ҳолда ободлик, саранжом-сарихталик, қўқалам-зорлаштириш ишлари ташкил этилган.

«Саломатлик—туман бойлиги» эканлигини ўз фаолиятларида оғишмай қўлаётган тумандаги 1 та марказий, 6 та оилавий поликлиникалар, «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти ва «Тошкентоқшом» тиббиёт-санитария қисмлари, 3 та стационар, 2 та диспансер ва бошқа кўплаб саломатлик муассасалари ходимлари аҳоли саломатлигини мустақамлаш, тиббий саводхонлигини ошириш, намунали хизмат кўрсатиш учун астойдил интилишмоқда.

Тумандаги 5 та касб-хунара коллежларида ҳар йили юзлаб ёшлар билим олиб, хунара ўрганимоқда, 1 та академик лицей ва 30 та умумтаълим мактабларида ёш авлодга пухта билим берилмоқда, 45 та мактабгача таълим муассасаларида кичкинтойлар камалига катта эътибор қаратилган.

Жорий йилнинг ўтган ярмида туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари бўйича кўрсаткичларни кузатар эканмиз, рақамлар бирмунча юксалишни кўрсатади. Олти ой мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 139540,2 миллион сўмни ташкил этиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,1 фоизга тенгдир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 66195,4 миллион сўмга етди ва ўсиш 129,8 фоизни ташкил этди. Пулдат ишлари 13167,2 миллион сўмни, капитал қўйилмалар ҳажми 57117,4 миллион сўмни, ташқи савдо айланмаси 139222,8 АҚШ долларини ташкил этган бўлди, шундан экспорт 41939,7 доллар бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига солиштирганда 126,8 фоиздир.

Туманда пуллик ва маиший хизматлар ҳажми ўтган ярим йилликда 18275,3 миллион сўмдан иборат бўлди. Яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 125,1 фоизни ташкил этмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурига 13 та ҳудудий корхона 22 та лойиҳа бўйича киритилган бўлиб, улар томонидан жорий йил ярмида 19,9 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқаришди. Шу ўринда «Alubond Poison Building technology» шўъба корхонаси, «Декс инвест» масъулияти чекланган жамияти кўринишидаги қўшма корхона, «Стона» масъулияти чекланган жамияти сингари тадбиркор жамоаларнинг ҳиссасини таъкидлаш лозим. Шунингдек, туман иқтисодиёти ривожига муносиб

ҳисса қўшиб, маҳсулот сифати ва турларини кўпайтираётган «Тошкент ёғ-мой комбинати» очик акциядорлик жамияти қўшма корхонаси, «Лок-колор синтез» қўшма корхонаси, «Подъёмник», «Галла-алтег» акциядорлик жамиятлари, «East Color» масъулияти чекланган жамияти сингари корхоналарнинг муваффақияти таъкидлашга лойиқдир.

Олти ойда туманда инвестиция ҳажми 57,1 миллиард сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига солиштирганда 4,6 баробарга ўсишга эришилди. Жумладан, «Sarbast-plus» қўшма корхонаси ва «Artech technology» хорижий корхонаси Мустақиллик айёми кўнларида ишга туширилиб, ўзларининг илк маҳсулотларини беради.

Туманда ўтиб бораётган йилларнинг бир-биридан афзаллигини ҳар соҳада амалга оширилган ишлар яққол тасдиқлаб турибди. Байрам шукҳини дилларига жо айлаган ҳамзалиқлар кўтулғу айёми «Тўйга тўёна билан» нақдига амал қилган ҳолда кўтиб олмақда.

(Ҳамза туманига бағишланган саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ” УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, темир йўл транспорти соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” темир йўли курилишидаги қаҳрамонона меҳнати учун “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл куриш механизми машинисти **Маҳмамов Ҳамза Ҳайитовичга** “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилиб, олий нишон — “Олтин юлдуз” медали топширилсин.



Маҳмамов Ҳамза Ҳайитович

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 август

“ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ” ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ВАТАНИМИЗ Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот Агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари, “Тасвирий Ойна” ижодий уюшмалари, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Бадий Академияси, Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбекистон” Миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган “ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ” Кўрик-танлови ГОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ Бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон матбуот ва аxbорот агентлиги бош директори Бобур Алимов, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани сингари оммавий аxbорот воситаларида фаолият юритаётган ходимларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлиши мустақиллигининг бекиёб аҳамиятини сингдиришда ижод аҳлининг ўрни

бекиёбдир.

Ун йилдан буён изчил ўтказиб келинаётган “Энг улуг ва энг азиз” республика кўрик-танлови бу борада самарали фаолият кўрсатаётган ижодкорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Юртбошимизнинг 2007 йил 30 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра маъмур танлов жорий йилда янада юксак савияда ташкил этилди. Бу йилги танловга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан беш мингга яқин ижодий ишнинг келгани беллашувнинг юртимизда тобора оммалашиб бораётганидан далолат беради.

Тадбирда танлов голибларига диплом ва совринлар топширилди. Совриндорлар кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирилди. (ЎЗА)

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Юнусобод туманида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлиmlари ҳамкорликларидан юртимиз Истиклолининг 16 йиллигига бағишлаб туман фаоллари иштирокида уюштирилган тадбир «Бу байрам—барчамизники, бутун халқимизники» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ёшлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16

йиллигига бағишлаб «Биз—Истиклол ёшлари» мавзусида маънавий-маърифий давра суҳбати ўтказилди.

● **ЎТГАН** кун Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида юртимиз Истиклолининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир «Аёл ва Мустақиллик» деб номланди.

● **БУГУН** «Интер-континентал» меҳмонхонасида икки кун давом этган «Тўй танталари—2007» 3-миллий кўргазма ҳамда «Меҳмондорчилик саноати» 1-халқаро кўргазмаси яқунланди.

● **ЎТГАН** кун Миллий матбуот марказида Республика «Миллий тикланиш» демократик партияси Мар-

казий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган конференцияда аёлларнинг жамият тарққиётидаги мавқеини янада оширишнинг аҳамияти борасида сўз борди.

● **ЎТГАН** кун Республика «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши қошиқдаги Етакчи ёшлар ўқув марказида «Ёш оилалар давлат ҳимоясида» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

● **ЎТГАН** кун 1-Республика тиббиёт коллежидан уюштирилган «Оналар ва болаларнинг ҳамширалик парвариши» мавзусида семинарда тиббиёт соҳаси ўқув юртарининг ўқитувчилари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ УН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси 2007 йил 24 август кун эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон» темир йўли курилишида алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ ишчи-хизматчилар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

● Бугун Тошкентда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва аxbорот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Мамлакат босма ва Интернет ОАВда ижтимоий-сиёсий мавзуларнинг ёритилиши: муаммо ва ечимлар» мавзусида семинар уюштирилди.

● Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози—2007» танловининг вилоят саралаш босқичлари яқунга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрининг тобора яқинлашиб келаётган 2750 йиллик тўйи олдида вилоят ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлиmlлари ҳамкорлигида «Самарқанд нонлари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Шаҳарнинг Регистон майдонида ўтказилган танлов яқунга кўра биринчи ўрин Самарқанд шаҳри ва Самарқанд тумани новвойларига насиб этди.

● Балиқчи туманидаги Эскиҳақулбод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Мадина—97» кўп тармоқли хусусий фирмаси мактаб ўқувчилари учун сумкалар ишлаб чиқара бошлади. Ушбу корхона томонидан бугунги кунгача юз минг дона сифатли ва бежирим сумка тайёрланди.

● Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Нукус, Тўрткўл ва Хўжайли туманларидаги 4 та мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига юртимизда ишлаб чиқарилган «Исузу» автобуслари туҳфа этилди.

● «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти томонидан Наманган шаҳрида тармоқда иш хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги қоидабузарликларнинг олдини олиш, пенсия ва нафақаларни тўлаш устидан назоратни кучайтириш масалаларига бағишланган «Почта хизмати хавфсизлигини таъминлаш, уни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари» мавзусида республика семинари ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Буюк Британия Бош вазири Гордон Браун мамлакатда Европа Конститутцияси шартномаси бўйича референдум ўтказилмаслигини таъкидлаб, ушбу ҳужжат парламентда кўриб чиқиб қабул қилинишини билдирди.

● Кеча Чехиянинг Брно шаҳрида мамлакатга АҚШнинг ракетага қарши мудофаа тизими ўрнатилишини қоралаган ҳолда юзлаб кишилар намойишга чиқдилар. Улар ушбу муҳим масала юзасидан умумхалқ референдумини ўтказишни талаб қилмоқдалар.

● Ироқда АҚШнинг УН-60 Blek Hawk вертолётининг ҳалокатга учраши натижасида 14 нафар америкалик ҳарбий хизматчи ҳаётдан кўз юмди. Associated Press аxbорот агентлигининг маълумотларига қараганда, вертолётга ҳеч қандай ҳужум уюштирилмаган, у двигателнинг ишламай қолиши сабабли ҳалокатга учраган.

● Москва областининг Жуковский шаҳрида жаҳоннинг юздан ортиқ самолётсозлик корпорациялари иштирокида бўлиб ўтаётган «МАКС — 2007» халқаро авиакосмик салонидан кеча Россия кун бўлиб ўтди. Бунда Россиядаги 200 дан ортиқ самолётлар қисмларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш этилди. Авиасалон қатнашчилари ўртасида айниқса ҳам газ, ҳам керосинда ҳаракатланадиган «Газолёт» самолёти катта қизиқиш уйғотди.

● Мана уч кундики, Италиянинг жанубий қисмидаги Сицилия, Палермо курорт шаҳарлари атрофида 20 дан ортиқ кучли ўрмон ёнгинлари давом этмоқда. Ёнгиннинг қишлоқ уйларига яқинлашиши муносабати билан яқин атрофдаги аҳоли, кўплаб сайёҳлар хавфсиз жойларга кўчирилди. Кучли ёнгинлар икки кишининг ҳаётига зомин бўлди.

● Париждаги Soniya Rikyl дўконидан одамларни бир неча соат мобайнида гаровда ушлаб турган жиноятчи маъмурларга таслим бўлди. Полициячиларнинг сўзларига кўра, танглик жиноятчи билан олиб борилган узок музокаралардан сўнг қурбонларсиз ўз ечимини топди.

● Италияда «Она — 2007» гўзаллик танлови бўлиб ўтди. Унда 46 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар иштирок этди. Шунингдек, танлов доирасида иштирокчиларга «Келишган хоним», «Жозебали хоним» ва «Гўзал табассум соҳибаси» рағбатлантирувчи мукофотлари ҳам топширилди.

● Қадимда Жанубий Хитой денгизидан фарқ бўлган кема трюмидан археологлар 10 мингта ноёб чинни ваза ва бошқа қадимий чинни буюмларни топдилар. Ушбу топилмаларнинг XII-XIII асрларга тааллуқли эканлиги айтилмоқда.

Оз-Оз Улганлиб
Домо Булар...

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БУСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб
ҲИКМАТЛАР

Зиёли руҳ боис, қолмай ҳеч ниҳон,
Заковат кўзидан ёриydi жаҳон.
Зукколар сўзи бор — келар узокдан:
Осий ҳам билим-ла чиқди дўзахдан!
Беакл, телбадан айтай бир накл:
Бефарқдир — умрини узун, калта қил.
Ҳаётдан бебаҳра, кўнгли бенаво,
На ўлик, на тирик — дарди бедаво.
Ақл-идрок этар наслингни асил,
Яна бу — билимдан муродинг ҳосил.
Қора ер бетида ёритиб йўлин,
Билим баланд қилди одамзод кўлин.
Олмоқнинг бермоғи бор.
Ажаб ўхшашдурур билим ва ипор,
Бировдан беркийтиб ушламоқ душвор.
Ипорни яширсанг, ҳиди белгили,
Билими ошқора—кими бор тили.
Бутун ишда ўзини қўлга ола билганлар барча
ишларни тўла ва тугал адо этишади.
Бу бир қанча нарса кишига бало,
Буни билиб олсанг, бўлади аъло.
Буларнинг бошида тилнинг ёлғони,
Яна бири алдов—билиб ол они.
Яна бир бошқаси май ичса суйиб,
Бўлар иш бўлади, дил қолар куйиб.
Яна бири ортиқ қилиқ, ҳаракат,
Бу ортиқ қилиқдан кетар баракат.
Яна бири ярқисиз ёмон феъл бутун,
У кўзгар кишилар уйда тутун.
Булар гар бирикса бари ўзаро,
Муқаддас саодат кетар аввало.
Фалак боқмас унга—боши айланар,
Бошида тегирмон тоши айланар.
Киши эзгулик қилиши керак.
Эзгунинг ҳар бир иши чиройли, ҳар бир қадами гўзал.
Эзгу асло қаримаиди.
Ёмон юзга кирса ҳам эзгу бўлолмайди.
Ёши кичик ёмон ўкинч билан қарийди.
Узун ёшли эзгу эса севинчда юради.
Эзгу ҳар кун янгидан-янги тилак-мақсадларга эришаверади.
Ёмонларнинг эса кундан-кунга мунг ва алами ортади.
Уқув-идрок билан киши юксалади, билим билан улғаяди,
Бу икки(си) туфайли эр қадр-қиммат қозонади.
Уқув-идроксиз қандай бўлади, десанг,
Уқув-идроксиз киши бебаҳра бўлади.
Қадр-қиммат, етуқлик билим туфайлидир,
Уқув-идроксиз киши бир ҳовуч (нарса) каби энгилдир.
Уқув-идрокли, билимнинг асли яхшидир.
Эр кишига вазминлик даркор, унинг қилмишлари тўғри бўлиши керак,
Кун, ой чиққанидаги каби эр киши учун рўшнолик лозим.
Киши мулоим ҳам хушфеълли,
Заковатли ҳам билимли бўлиши керак.
Киши заковатли бўлиши керак, токи билимни яхши танлай билса,
У билимни бўлиши керак, токи ишларни яхши битира олса.
Яхшилик яшовчан—ўлмағай ҳаргиз,
Ёмонлик азиз ҳам бўлмағай ҳаргиз.
Иложсиз шоирнинг сўздир иложи,
Ҳар икки очунга етар қулочи.
Қаттиқ тут, тўғрилиқ йўлидан ёзма,
Қадрла—ёшлиқни қуруқ ўтказма.
Ел билан елвағай йигитлик кетар,
Қаттиқ меҳнат қолар, тириклик йитар.
Тизсангда бор экан, йигитлик кучин
Иззатинг борида сарфла эл учун.
Ўтган — ўк, нафи йўк.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«Ватанпарвар» ташкилоти фаолиятдан

ЧИНИҚИШ МАКТАБИГА АЙЛАНМОҚДА

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ, УНИНГ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МУДОФАА ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА КЎМАКЛАШИШ, АССОСИЙ ҚОНУНИМЛАРИНИНГ ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ҚОЯЛАРИНИ ТАРғИИШ, ХУСУСАН ЁШЛАРНИ МЕҲНАТГА ВА ВАТАН ҲИМОЯСИГА ТАЙЁРЛАШ, СПОРТНИНГ ТЕХНИК ВА АМАЛИЙ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КАБИ БИР ҚАТОР ВАЗИФАЛАР АССОСИЙ МАҚСАДИ БЎЛГАН ВА БУ БОРАДА ОғИШМАЙ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА КЕЧАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ КЕЛМОҚДА.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида ташкилотнинг ўқув муассасалари зиммасига Қуроли Кучлар учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, ташкилотда ўсиб келаётган ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техник жиҳатдан етуқ, жисмонан соғлом ва бақувват, мард, жасур Ватан посбони этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилади.

Бугунги кунда «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфида 11 та туман Кенгашлари, 11 та ўқув спорт техника клублари, бирлашган техника мактаби, спортинг техник ва амалий турлари маркази ва 14 та шўба корхоналар ўз фаолиятини изчил юритиб келмоқда.

Маҳаллаларда ёшлар ва ҳарбий хизматга қақирилувчилар ўртасида ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги ишларни жонлантириш, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан янги режалар тузиш, уларни ватан Ҳимоясига тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларида қабул қилинган қарорларни чуқур ўрганиш юзасидан жойларда маънавий-маърифий тадбирлар юқори савияда олиб борилмоқда.

Ассосий вазифалардан бири бўлган спортинг техник ва амалий турлари омма орасига олиб кириш, ёшларнинг спортга бўлган иштиёқларини ошириш, мусобақалар уюштириш орқали уларни жисмонан ва маънавий етуқ, соғлом қилиб Ватан Ҳимоясига тайёрлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

2002 йил 24 октябрда Республи-

када болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарори юзасидан ташкилот томонидан ҳам бир қанча амалий ишлар бажарилди. Мавжуд спорт тўғрисидаги ва секциялар ишини фаоллаштириш масалаларига кенг эътибор қаратилиб кўплаб ёшларни спортга жалб этишга эришилди.

Шунингдек, ҳарбий аҳамиятга эга бўлган оммавий техник касб мутахассисларини тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасининг 156-сонли Қарори асосида ишни ташкил этиш, тахсил олувчиларнинг билимларини юқори савияда эгаллашларига эришиш, мавжуд моддий-техник негиздан унумли ва оқилона фойдаланиш, доимо

бир шонли сана, байрамлар муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказилиб келинади. Жумладан бир қатор уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган ва бугунги кунда эҳтиёжманд фуқароларнинг уйларига бориб йўқлиниб, моддий ва маънавий кўмак кўрсатилмоқда.

Тошкент бирлашган техника мактабида ҳам ёшлар билан ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси фаолиятига амалий кўмак бериш, спортинг техник ва амалий турлари бўйича турли мусобақалар ўтказиш, хомийлик қилиш, Қуроли Кучлар, Темурийлар тарихи Давлат музейи ва «Шонли ватан тарихи» музейига курсантлар, маҳалла ёшлари ва вояга етмаганларнинг тадбирини уюштириш, мавжуд спорт тўғрисидаги ва секцияларига жалб этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

С.Раҳимов туман кенгаши томонидан тумандаги «Ачаобод» маҳалласидаги икки нафар тарбияси оғир болалар коллежи хунармандчилик миллий тасарруфидаги сузиш, ўқ отиш тўғрисидаги жалб қилиш, тумандаги 106-сонли ногирон болалар мактаб интернати «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар Кенгаши томонидан оталиқча олинган бўлиб у ерда ракета модел спорт секцияси ташкил этилган.

Шунингдек, ташкилот томонидан 2006-2007 ўқув йилининг биринчи босқичида 125 та курсант, шулардан 50 та ҳайдовчи-электромоторист, 25 та ҳайдовчи-кранчи, 50 та «ВС» тоифали ҳайдовчи тайёрлаш режаси 103 фойзага бажарилди, 128 та курсант тегишли гувоҳномаларни олдилар. Айни кунларда 101 та курсант таълим олмақда.

Бир сўз билан айтганда бўлсак

2007 йилнинг ўтган ярим йиллиги мобайнида «В» тоифаси бўйича 2877 нафар, «ВС» тоифаси бўйича 839 та, «В» дан «С» га ва «Е» тоифа бўйича эса 754 та, жами бўлиб 4499 та оммавий техник касб мутахассислари тайёрланди ва бу йиллик режанинг 56,4 фойзини ташкил этади ёки ярим йиллик режа 112,8 фойзага бажарилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, спортинг техник ва амалий турларини ривожлантириш бўйича 2007 йил 1-ярим йили мобайнида «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ёшлар, вояга етмаганлар ва ҳарбий хизматга қақирилувчилар ўртасида жуда кўплаб спорт тадбирлари ўтказилди.

Хозирги кунда Тошкент шаҳри туманларида 11 та УСТК, 1 та Тошкент бирлашган техника мактаби, «Таштэкспорт» шўба корхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ташкилотларда спортинг автомобиль, радио, авиамодель, ўқ отиш, триатлон, кўпкураш турлари бўйича секциялар тузилиб иш олиб борилмоқда. Марказий Кенгашининг 2006 йил 28 апрелдаги «Спортинг техник ва амалий турлари бўйича секция ва тўғрариқлар тузиш тўғрисида»ги Раёсат қарори ижросини таъминлаш юзасидан туман Кенгашларида бошланғич ташкилотларда, яъний ўқув юртлири, ҳарбий қисмлар ва мактабларда ижобий ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бошланғич ташкилотларда 150 дан ортиқ тўғарак ва секциялар ту-

зилиб, фаолият юритиб олмақда. Ёшлар ва ўсимлар орасида спортинг ўқ отиш тури, «Шунқ» ҳарбий спорт уйинларида шанишлари алоҳида ўрин тутди.

Тошкент шаҳри жамоа 22 та Республика миқёсидаги ионат ва биринчиликларда ишт этиб, улардан 9 тасида чемпионофхрли ўринлар соҳиблари ишди. Ушбу мусобақаларда триатлон, авиамоделчилар, автораллар ва картингчилар жамоаларқори кўрсаткичларга эришилди.

Фикримизни мухтасар иб айтишда бўлсак Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «нпарвар» ташкилотининг Тоғш шаҳар Кенгаши она-юртэвиш, унинг мустақиллиги ва мува сарҳадларини кўз қорачиқсвраш каби эзгу туғуларни юга жо қилган ҳақиқий ватанпарвари тарбиялаб етиштираётган иқш, жасорат мактабига айланмоқда. Бундан кейин ҳам таот ўз фаолиятида Миллий арми: сафларига жисмонан ва руҳарқамол, мард, ўз соҳасини п эгаллаган техник мутахассислақизи бериш орқали кўр осийлигини сақлашга ўзининг мун ҳиссасини қўшади.

Шоира МУҲАДОВА СУРАТЛАРДА: «Ватанпар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўқилиб келган мусобақа ва бирлардан лавҳалар.



2007 йилнинг ўтган ярим йиллиги мобайнида «В» тоифаси бўйича 2877 нафар, «ВС» тоифаси бўйича 839 та, «В» дан «С» га ва «Е» тоифа бўйича эса 754 та, жами бўлиб 4499 та оммавий техник касб мутахассислари тайёрланди ва бу йиллик режанинг 56,4 фойзини ташкил этади ёки ярим йиллик режа 112,8 фойзага бажарилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, спортинг техник ва амалий турларини ривожлантириш бўйича 2007 йил 1-ярим йили мобайнида «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ёшлар, вояга етмаганлар ва ҳарбий хизматга қақирилувчилар ўртасида жуда кўплаб спорт тадбирлари ўтказилди.

Хозирги кунда Тошкент шаҳри туманларида 11 та УСТК, 1 та Тошкент бирлашган техника мактаби, «Таштэкспорт» шўба корхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ташкилотларда спортинг автомобиль, радио, авиамодель, ўқ отиш, триатлон, кўпкураш турлари бўйича секциялар тузилиб иш олиб борилмоқда. Марказий Кенгашининг 2006 йил 28 апрелдаги «Спортинг техник ва амалий турлари бўйича секция ва тўғрариқлар тузиш тўғрисида»ги Раёсат қарори ижросини таъминлаш юзасидан туман Кенгашларида бошланғич ташкилотларда, яъний ўқув юртлири, ҳарбий қисмлар ва мактабларда ижобий ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бошланғич ташкилотларда 150 дан ортиқ тўғарак ва секциялар ту-

зилиб, фаолият юритиб олмақда. Ёшлар ва ўсимлар орасида спортинг ўқ отиш тури, «Шунқ» ҳарбий спорт уйинларида шанишлари алоҳида ўрин тутди.

Тошкент шаҳри жамоа 22 та Республика миқёсидаги ионат ва биринчиликларда ишт этиб, улардан 9 тасида чемпионофхрли ўринлар соҳиблари ишди. Ушбу мусобақаларда триатлон, авиамоделчилар, автораллар ва картингчилар жамоаларқори кўрсаткичларга эришилди.

Фикримизни мухтасар иб айтишда бўлсак Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «нпарвар» ташкилотининг Тоғш шаҳар Кенгаши она-юртэвиш, унинг мустақиллиги ва мува сарҳадларини кўз қорачиқсвраш каби эзгу туғуларни юга жо қилган ҳақиқий ватанпарвари тарбиялаб етиштираётган иқш, жасорат мактабига айланмоқда. Бундан кейин ҳам таот ўз фаолиятида Миллий арми: сафларига жисмонан ва руҳарқамол, мард, ўз соҳасини п эгаллаган техник мутахассислақизи бериш орқали кўр осийлигини сақлашга ўзининг мун ҳиссасини қўшади.

Шоира МУҲАДОВА СУРАТЛАРДА: «Ватанпар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўқилиб келган мусобақа ва бирлардан лавҳалар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 25 сентябрь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Чилонзор туман суд ижрочилири бўлими томонидан 2007 йил 5 апрелдаги 4783/12-сонли, 2007 йил 24 апрелдаги 5769/12-сонли ва 2007 йил 7 майдаги 6394/12-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Учтепа тумани Чилонзор 20-мавзеси 46-уйда жойлашган «Фонон-1» Тошкент заргарлик заводига қарашли қуйидаги кўчмас мулкларни қўймоқда.

- Умумий майдони 539 кв.м.дан ташкил топган бир қаватли гараж биноси. Бошланғич баҳоси—28 863 087 сўм.
Умумий майдони 3235 кв.м.дан ташкил топган ишлаб чиқариш корпуси. Бошланғич баҳоси—274 330 247 сўм.
Умумий майдони 483 кв.м.дан ташкил топган ГСМ биноси. Бошланғич баҳоси—26 125 900 сўм.
Умумий майдони 30 кв.м.дан ташкил топган қоровулхона биноси. Бошланғич баҳоси—21 531 794 сўм.
Умумий майдони 4 кв.м.дан ташкил топган қоровулхона биноси. Бошланғич баҳоси—337 573 сўм.
Умумий майдони 4 кв.м.дан ташкил топган қоровулхона биноси. Бошланғич баҳоси—337 573 сўм.
Умумий майдони 226 кв.м.дан ташкил топган таъмирлаш устакхона биноси. Бошланғич баҳоси—9 106 440 сўм.
Умумий майдони 559 кв.м.дан ташкил топган оғборхона биноси. Бошланғич баҳоси—33 855 181 сўм.
Умумий майдони 473 кв.м.дан ташкил топган оғборхона биноси. Бошланғич баҳоси—28 646 692 сўм.
Умумий майдони 671 кв.м.дан ташкил топган соябон. Бошланғич баҳоси—29 265 390 сўм.
Умумий майдони 682 кв.м.дан ташкил топган соябон. Бошланғич баҳоси—29 745 150 сўм.
Умумий майдони 41 кв.м.дан ташкил топган соябон. Бошланғич баҳоси—1 625 635 сўм.
Умумий майдони 21 кв.м.дан ташкил топган соябон. Бошланғич баҳоси—832 642 сўм.
Умумий майдони 65 кв.м.дан ташкил топган соябон. Бошланғич баҳоси—2 577 226 сўм.
Умумий майдони 45 кв.м.дан ташкил топган соябон. Бошланғич баҳоси—1 784 233 сўм.
Умумий майдони 6 кв.м.дан ташкил топган будка. Бошланғич баҳоси—904 845 сўм.
Умумий майдони 10 кв.м.дан ташкил топган будка. Бошланғич баҳоси—1 508 075 сўм.
Умумий майдони 60 кв.м.дан ташкил топган соябон. Бошланғич баҳоси—868 496 сўм.
Умумий ҳажми 100 куб.м.дан ташкил топган водонапорная башня. Бошланғич баҳоси—2 376 000 сўм.
Умумий ҳажми 100 куб.м.га мўлжалланган бассейн. Бошланғич баҳоси—2 259 880 сўм.
Ҳажми 2x3 бўлган артезиан қудуги. Бошланғич баҳоси—12 669 023 сўм.
Умумий майдони 933 кв.м.дан ташкил топган асфальтланган майдон. Бошланғич баҳоси—7 156 211 сўм.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 25 сентябрь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Яккасарой туман суд ижрочилири бўлими томонидан 2003 йил 23 февралдаги 2-125/2003-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Марказ-17, 18-уй манзилдаги «Себзор» автотураргоҳида сақланаётган давлат рақами 10U8830 бўлган 1973 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2103» русумли автотранспорт воситаси қўйилади. Бошланғич баҳоси—3 435 000 сўм.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 11 сентябрь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қайтадан қўйилади.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Суд ижрочилири бўлими томонидан 2007 йил 30 майдаги 7273/4-сонли ижро ҳужжатга асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, К.Шарипов кўчаси 50-уй манзилда

жойлашган «O'zyog'ochqog'ozsavo» ОАЖга тегишли ум.майд. 912 кв.м.дан ташкил топган қурилиши тугалланмаган 2 қаватли маъмурий бино. Бошланғич баҳоси—80 217 798 сўм.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2007 йил 22 июндаги 10-0510/3659 сонли ижро ҳужжатга асосан тақдим этилган «Коинот & К» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳар Ўзбекистон кўчаси, 98-уйда жойлашган «Коинот» ресторани биноси (маъмурий ва хўжалик биноси 300 кв.м., савдо зали 412 кв.м.). Бошланғич баҳоси—331 900 000 сўм.

Шунингдек: Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан «Тошкент оқшоми» газетасининг 2007 йил 31 июлдаги 145-сонида эълон қилинган «Toshqishloq mash» ОАЖга тегишли фотолаборатория бино ва иншоотлари, 33-сонли цех биноси ва иншоотлари ҳамда 36-сонли цех биноси ва иншоотлари. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий

таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси хатига асосан ушбу мулклар бўйича 2007 йил 4 сентябрда белгиланган аукцион савдолари вақтинча тўхтатилди.

Ушбу мулкларни суд ижрочилири иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатига мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фойз миқдорини закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Аска» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минци банкига, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-хисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Спорт янгиликлари

«ҚУРУВЧИ»НИНГ НАВБАТДАГИ ГАЛАБА

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГАСИДА ЎН ЕТИНЧУ ТУР ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТЛАР

Олий лигада илк маротаба иштирок этаётган вобкеклар чемпионо жамоага фақатгина биринчи бўлимнинг ярмигуносиб қаршилиқ кўрсатди. Уйиннинг 23-дақиқасида ҳисобхатарчи Ислам Иномов очган бўлса-да, бир неча дақиқа сўнг Илҳом Ҳамдамов кучли зарба билан вазиятни тенглаштирди.

Лекин меҳмонларнинг хурсандчилиги узоққа қўзилмади. Чемпионга хос ҳужумкор ўйин кўрсатишга ўтган «Пахтакор» болчиларидан Александр Гейрих ва Ринат Байрамов иккинч гол киритиб, жамоасининг 5:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Олий лиганинг яна бир дебютанти — «Қурувчи» эса пкорчилар билан жиддий рақобатлашмоқда. Бу гал ўз майдоса тўп сурган «Қурувчи» вакиллари «Андижон» (Андижон) футиларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратди. Қизилқоғул ўттирарушда водийлик меҳмонлар дарвозасига биттадан гол птган Шавкат Саломов, Виктор Карпенко ва Илҳом Мўминжонмоасининг 3:0 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Мазкур турнинг қолган учрашувларида қуйидаки натижақайид этилди: «Қизилқум» (Зарафшон) - «Машъал» (Мубо) 0:0 «Самарқанд-Динамо» (Самарқанд) - «Трактор» (Тошкент) «Насоф» (Қарши) - «Шўртан» (Ғузор) 2:1, «Бухоро» (Бухоро) «Локомотив» (Тошкент) 1:0, «Навбахор-Наманган» (Наманган) - «Таллур» (Бекобод) 1:1, «Тўполан» (Сариосиё) - «Нефтчи» (ргона) — 1:3.

Мусобақа жадалларида 47 очко жамғарган «Пахтакор» етлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Қурувчи» пахтақлардан беш очко ортда қолган ҳолда, «Нефтчи» дан бир очқуби кетган. Бу йил совринли ўринларни мазкур уч жамоа ёшиб олиши ҳақиқатга анча яқин эканини алоҳида таъкидлаш л.

Жорий чемпионатда ишлари юришмаётган «Тўполан» олий лигадаги жойини сақлаб қолиш илнқида «Вобкент» (Вент), «Металлург» (Бекобод) ҳамда «Локомотив» (Тошкент) жапар билан рақобатлашмоқда.

ОМАДЛИ ДЕБЮТ

ҚОЗОҒИСТОННИНГ ЧИМКЕНТ ШАҲРИДА ТАЙЛ ЭТИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЕЧАСИДА МЕЗБОНЛАРДАН ТАШҚАРИ ҲАҚИҚАТЛАР

Ўзбекистонлик умидли спортчи Фарруҳ Ҳақимов професионал фаолиятидаги биринчи жангини қозоғистонлик табиби боксчи Семён Уроповга қарши ўтказди. Мазкур беллашуқдан кўплаб мухлис мутахассислар професионал рингга жаанг ўтказиб, шулардан барчасини ўз фойдасига хал қилгозоғистонлик боксчининг галабасини тахмин қилишганди.

Бирок Фарруҳ Ҳақимов тўрт раундлик жангга пухта тайёзлик кўрганни, рақибига нисбатан кучли томонларини намойишди. Учрашуви кескин ҳужумлар билан бошланган ўзбекистонлиюрчи биринчи раунднинг ўзидаёқ рақибига кучли зарба бер уни нокаутга учратди.

Шундай қилиб, ҳамюртимиз Фарруҳ Ҳақимов професионал боксдаги биринчи зафарли одимини ташлади.

БокБЕК

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 706

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилди. Кўзг бичими А-2
Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига еке «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефон мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақлаланди.
«Шарк» нашрийёт-матбоса акциядорлик компанияси босмоқсони. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
1 2 3 4
Топширилган вақти: 13:00